

**"Янги Ўзбекистон" ва "Учинчи ренессанс" концепцияларининг
давлат фуқаролик хизматчиларига қўядиган янги малака талаблари**

Содиқова Дилафруз Асроровна

Тошкент вилояти, Зангиота тумани

Ихтисослашган мактаб психологи

(dilafruz.sodiqova@gmail.uz 90-994-99-92)

Аннотация: Мамлакатимиз ўз тараққиётини янги даврини бошлади. Бу тараққиёт даври учун миллат ўз зиммасига жуда хам юксак мақсадларни стратегик мўлжал сифатида белгилаб олди. У хам бўлса, “Учинчи ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон” пойдеворини бунёд этиш. Бу юксак, машаққатли аммо шарафли вазифа аввалам бор, давлат фуқаролик хизматчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Мақолада, мамлакатимизда рўй бераётган жадал тараққиёт жараёнлари шароитида давлат хизматчиларининг компетенцияси, касб маҳорат ва малака талаблари доирасини такомиллаштириш долзарблиги ва унинг миқёси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “Учинчи ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон” пойдевори, стратегик мақсад, янги ислохотлар, маънавий-маърифий вазият, замонавий илм-фан ва инновацион технология, илмий салоҳият ва амалий фаолият уйғунлиги, давлат фуқаролик хизмати, инсон ресурслари, кадрлар захираси, ижтимоий портрет, малака талаблари, компетенция, ўлчанадиган маънавий-психологик омиллар.

Abstract: Our country has begun a new era of its development. For this period of development, the nation has set itself very high goals as strategic goals. It is to build the foundation of the "Third Renaissance" and "New Uzbekistan". This high, difficult, but honorable task, first of all, places great responsibility on the shoulders of

state civil servants. The article analyzes the relevance and scale of improving the competence, professional skills and qualification requirements of civil servants in the conditions of the rapid development processes taking place in our country.

Key words: The foundation of the "Third Renaissance" and "New Uzbekistan", strategic goal, new reforms, spiritual and educational situation, modern science and innovative technology, the combination of scientific potential and practical activities, state civil service, human resources, personnel reserve, social portrait, qualification requirements, competence, measurable spiritual and psychological factors.

Аннотация: Наша страна вступила в новый период своего развития. На этот период развития нация в качестве стратегической цели поставила очень высокие цели. По крайней мере, чтобы заложить основы «Третьего Ренессанса» и «Нового Узбекистана». Это высокая, трудная, но почетная задача, и это возлагает на госслужащих большую ответственность. В статье в условиях бурных процессов развития, происходящих в нашей стране, анализируется актуальность и масштабы совершенствования объема компетентности, профессиональных навыков и квалификационных требований государственных служащих.

Ключевые слова: Фундамент «Третьего Ренессанса» и «Нового Узбекистана», стратегическая цель, новые реформы, духовно-образовательная ситуация, современная наука и инновационные технологии, гармония научного потенциала и практической деятельности, государственная гражданская служба, человеческие ресурсы, кадровый резерв, социальный портрет, квалификационные требования, компетентность, измеримые морально-психологические факторы.

Мамлакатимиз давлат фуқаролик хизматчиларини фаолиятининг функционал таҳлили уларни хизмат вазифаларининг доираси ва жавобгарлик юки муттасил ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Табиийки, мазкур тенденция, “Учинчи ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон” пойдеворини барпо этиш ғоялари асосида амалга оширилиши жадаллашаётган янги ислохотлар кўлами ва шиддатининг хосиласи бўлиб, давлат фуқаролик хизматчилари жавоб бера олиши лозим бўлган янада янги ва замонавий малакавий талабларга мутанносиб миллий кадрлар заҳираси масаласининг долзарблиги ва аҳамиятини оширади.

Дарҳақиқат, “Учинчи ренессанс” пойдеворини барпо этиш ғояси мамлакатни жаҳон ҳамжамияти олдида, тарихда муайян макон ва замонларларда бўлиб ўтган ренессанс даврларидаги сингари, дунё тамаддунининг янги босқичини бошлаб бериш ва уни пешқадами бўлиш даражасидаги натижалар соҳиби-муаллифлари бўлишни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мустақиллигимизнинг 29-йиллиги танталаридаги нутқида¹ мамлакатимизда янги уйғониш даври пойдевори яратилаётганлигини қайд этиб, бу билан мамлакат тараққиёти учун олдимизга қўйган мақсад ва марралар кўламини тасаввур қилиш учун аجدодларимиз уддалай олган икки буюк ренессанс наъмунасида “Учинчи ренессанс”нинг ёрқин тимсолни ифодалаб берди.

Юртбошимиз “Ренессанс”га “...ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётининг янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш”²дир деб таъриф берди.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31.08.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

² “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. №165 (421), 17.08.2021 йил.

Мамлакатимиз президенти 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси”нинг туб мазмун-моҳиятини ҳам, “ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик” деб тавсифлаган.

Манбааларда “Ренессанс” тушунчаси моҳиятан жамиятнинг муайян давр мобайнида давом этган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги турғунлик давридан сўнг “қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқиши”³ни ифодалайди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир таъкидлаганларидек, “Биз дунё илм-фани, маданияти, маърифати, тараққиётида туб бурилиш ясаган икки Ренессанс – буюк Уйғониш пойдеворини яратган аллома аجدодларимизнинг руҳи поки олдида масъулмиз, қарздормиз. Энди янги дунё ўзбеклари имом Бухорий, ҳазрат Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино номи билан бирлашадиган кунлар, янги Ўзбекистон бағрида уларга муносиб авлод шаклланаётганини исботлайдиган дамлар келди. Энди миллий ўзликни англаш, дунёнинг қайси нуқтасида бўлишидан қатъий назар ўзбек бўлиб яшаш, тилини, элини, бобою момлардан мерос – бемисл маънавий-маърифий хазиналарни унутмай яшаш, қолаверса бир бирига ҳам моддий ҳам руҳий жихатдан елка тутиб, ҳамкор, ҳамфикр, ҳамдард бўлиб нафас олиш “Ўзбекман! Ўзбекистонданман!” деган ҳар бир миллатдошимизнинг, юртдошимизнинг фарзандлик бурчи бўлмоғи шарт”⁴.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадидлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан

³ Учинчи Ренессанс — миллий ғоя сифатида. Абдурахим Эркаев, Олий Мажлис Сенати аъзоси. “Халқ сўзи” 08.09.2020 й. <https://xs.uz/uzkr/post/uchinchi-renessans-millij-goya-sifatida>

⁴ Нурли ниятлар саодати. Маҳмуд Тоир. “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ҳақидаги мақоласи. “Янги Ўзбекистон”. №165 (421), 17.08.2021 йил.

қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этганлар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилганлар. “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билганлар. Бу даврда Абдулла Авланий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ашурали Зоҳирӣ, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар Миллий уйғониш ва Миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турган.

Дастлаб Рус подшоҳлиги, кейинчалик шўролар ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Оқибатда миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати Ватанимиз учун ёрқин хотира ва келажак авлодларга армонли васият сифатида қолди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда жади́дзодаларимиз орзу қилган янги тараққиёт даврини бошланишига тарихий шарт шароит юзага келди. “Учинчи Ренессанс” пойдеворини бунёд этишдек стратегик мақсад юрт фидойиларини ташаббускорликка ундамоқда. “Учинчи Ренессанс” пойдеворини яратиш ғояси асосида шаклланаётган стратегик режаларнинг муваффақиятли рўёбига қаратилган ислохотларнинг таркибий лойиҳа ва дастурларини ишлаб чиқувчи, уларни амалга ошириш жараёнларида бевосита иштирок этувчи ҳар бир шахс, жамият ва давлат институтларининг олдига янада каттароқ масъулият юклайди.

Бу чақириқ давлат фуқаролик хизматчиларини, оддий фуқаролардан фарқли ўлароқ, юрт фидойилари ва лидерлари сифатида наъмуна ва пешқадам бўлишларини, ўзларининг касби ҳамда фаолият йўналишларида энг кучли, рақобатбардош ва тўхтовсиз тараққиётга интилувчан, тараққиёт йўлида дуч келувчи тизимли муаммоларни илм ва маърифат билан, касбига вафо, халқига меҳр-шавқат билан бартараф этишга матонат топа оладиган мутахассислар, ўз касбинининг усталари бўлишни тақозо этади.

Ундан ташқари, бугун, “Учинчи Ренессанс” пойдеворини яратиш ғояси билан бир қаторда, нафақат хамюртларимизга, балки дунё хамжамиятига, миллий ғоя даражасидаги яна бир концепция эълон қилиндики, у ҳам бўлса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон” ғоясидир.

Мазкур ташаббус мамлакатни дунё тамаддунининг янги тараққиёт даражасига чорловчи, бунинг учун аввалам бор замонавий инновацияларни ўзлаштиришга, эгалланган малакани юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига йўналтирилган ислохотлар орқали амалга оширишга, ўзининг самарали ва хайрли фаолиятининг муваффақиятли рўёбидан илҳомланиб янги инновацияларни муаллифлари мақомига эришишга шижоат бера оладиган салоҳиятга эга.

Чунки, мазкур ташаббуснинг ўзи улкан қувват маркази ва янгиликлар манбааси сифатида вужудга келди.

Биринчидан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” тушунчасини дунё сиёсати луғатига киритгани беқиёс илмий аҳамиятга эга”⁵.

Иккинчидан, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”⁶.

⁵ Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс: маъно-моҳияти, зарурати ва муштараклиги. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов, <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/yangi-ozbekiston-va-uchinchi-renessans-mano-mohiyati-zarurati-va-mushtarakligi>

⁶ “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. №165 (421), 17.08.2021 йил.

“Янги Ўзбекистон” ғояси биз юқорида тавсифлаган “Учинчи ренессанс” пойдеворини яратиш ғоясига ўзаро уйғун ва у ҳам миллий ғоя даражасидаги салоҳиятга эга концептуал ёндашувдир. Бу икки концептуал ёндашув ўзаро уйғун бўлиши билан биргаликда, бизнинг назаримизда уларнинг ўзигагина ҳос жихатлари ҳам мавжудки, бу ўзигагина ҳос жихатлари билан улар бир бирини тўлдиради ва мукаммал тугалланган мақсадлар ва ёндашувлардан иборат ўзаро муштарак ғоя, орзу ва мақсадлар тизимини ташкил этади.

“Учинчи ренессанс” пойдеворини яратиш ғояси тарихий қудратимиз ва шон-шухратимиздан шижоат олиб, олдимизга қўядиган мақсад ва марраларимизни қай даражада баланд олиш, биз интилаётган тараққиётимиз истиқболи қай даражада буюклигини тасаввур қилиб, унга эришиш учун интиладиган, буюк келажакка чорловчи маёқ бўлса, “Янги Ўзбекистон” ғояси” эса ана шу буюк келажакни бунёд этиш учун фақат ва фақат илғор инновацион технологиялар ва замонавий билимларга асосланган ҳолда шундай лойиҳалардан иборат стратегик тараққиёт дастурларини ишлаб чиқишга ундайдики, бу стратегик режаларни муваффақиятли ижросигина “Учинчи ренессанс” даражасидаги “Янги Ўзбекистон” тараққиётига эришишимизни кафолатлайди.

Яъни, “Янги Ўзбекистон” ғояси энг замонавий илм-фан ва инновацион технологияларга асосланган, бугунги инсоният тараққиётининг замонавий ютуқларини нафақат ўзлаштириш балки уларни янгидан янги самарали механизмлари, инструментлари ва институтларини яратишга қаратилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишни назарда тутди. Бу билан, “Янги Ўзбекистон” ғояси ҳам ўз ўрнида мамлакатни жаҳон ҳамжамияти олдида, ўз қонунлари ва маданиятини умумбашарий тамойиллар билан уйғунлаштирган ҳолда дунёвий билимларнинг барча соҳаларида янги кашфиётлар муаллифи бўлган “янги ўзбекистон алломалари”ни шакллантирувчи илмий-маданий муҳит яратиш ва дунё тамаддуни

тараққиётнинг янги даврини бошлаб бериш билан бирга унга раҳнамолик қилиш вазифасини ўз зиммасига олишни тақозо этади.

Юртбошимиз томонидан илагари сурилаётган илмий салоҳият ва амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш, барча ислохотларни фақат ва фақат илм, фан ва технологияларни сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш сиёсати мамлакатимизни аграр, индустриал жамият босқичларини бирваракайига, қисқа муддатда босиб ўтиб, постиндустриал жаҳон ҳамжамятнинг илғор мамлакатлари сафига кўтарилишнинг, товар ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатиш тармоғи устуворлигига эришишнинг, бунда янги инновацион ахборот ва янги кашфиёт ва билимлар ишлаб чиқаришнинг бирламчи ресурслари бўлиши даражасида тараққий топишнинг асосий омилидир.

Асрлар оша буюк тарихимиз қаъридан келаётган чақириқ садоси ҳамда келажакка ташланаётган янгича нигоҳ ва янгича назар шу қадар залворлики, бу юксак масъулият, бу буюк бурч, бу буюк умид ва ишончни оқлаш биз – давлат фуқаролик хизмати фидойиларининг зиммасида эканлигини хис эттирди. Зеро, “давлат хизмати ривожланиши учун аввало давлат хизматчилари ривожланиши керак”⁷

“Давлат секторида инсон ресурсларини бошқариш тобора стратегик вазифага айланмоқда, чунки мамлакатлар энг муҳим ресурс ва энг катта бойлик сифатида инсон ва унинг интеллектуал салоҳияти эканлигини эътироф этмоқда. Шу боисдан ҳам ривожланган давлатларда кадрлар селекциясига ҳамда юқори салоҳиятга эга раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришга бирламчи вазифа сифатида қаралади. Аслида илмий изланишлар ҳам шуни тасдиқлайди: давлат фуқаролик хизматига энг иқтидорли кадрларни жалб қилиниши инновация ва

⁷ Амиртемурхон Мусаев. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари. Инсон капитали — тараққиётни белгиловчи ресурс. "Янги Ўзбекистон" газетаси, 123-сон. 22.06.2024 й.
<https://yuz.uz/uz/newspaper?page=14>

янгилик, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, шунингдек, рақобатбардошликни таъминлашга кучли туртки берадиган омилдир”.⁸

Юқорида қайд этилган тавсифлар хулосаси ўринли бир саволни ўртага ташлайди. Хўш, **“Учинчи ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон” пойдеворининг бунёдкори бўладиган давлат фуқаролик хизматчиларининг қиёфаси қандай бўлмоғи лозим**, унинг ижтимоий портрети қандай янги чизгилар билан такомиллашиши лозим, янги давлат фуқаролик хизматчиларининг касб махорати ва компетенциялари қайси малака талаблари билан тўлдирилиши лозим деган масала ойдинлик киритишни тақозо этади.

Аслида давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси — “давлат органининг ваколатларини лозим даражада амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар, малакалар ва кўникмалар мажмуи”⁹ бўлса, **малака талаблари** — “давлат фуқаролик хизматининг муайян малака даражаси берилиши ва (ёки) давлат фуқаролик хизматининг муайян лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган, иш тажрибасига ва касбий компетенциясига доир талаблар”¹⁰ ни англатади.

Тадқиқотларимизнинг дастлабки натижалари ва хулосаларига кўра, бизнинг назаримизда “Учинчи ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон” ғоялари асосида амалга ошириладиган истиқболли ислохотлар замирида эҳтиёжи юзага чиқаётган **давлат фуқаролик хизматчиларининг малака талаблари ва компетенциялари таркибини ўлчанадиган маънавий-психологик омиллар билан бойитиш**га ҳам алоҳида аҳамият қаратиш жоиз.

⁸ Камол Тагаев, Музаффар Латибов. Миллий кадрлар захирасини шакллантириш: стратегик ёндашув, натижа ва устувор вазифалар. 13.09.2024 й. <https://argos.uz/uz/press-center/topic/61>

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги ЎРҚ-788-сон Қонунининг 4-моддаси, 4-сўзбоши, 08.08.2022 йил

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги ЎРҚ-788-сон Қонунининг 4-моддаси, 6-сўзбоши, 08.08.2022 йил

Яъни, мазкур янги малака талаблари давлат хизматчиларидан соҳага оид замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш, касб маҳоратини ва тажрибасини оширишдан ташқари, махсус ижтимоий-психологик таёргарликдан ўтишни тақозо этади. Бу эса ўз ўрнида мазкур янги уйғониш даврининг тегишли соҳа ва тармоқлардаги ижобий ўзгаришларнинг муаллифлари, сабабчи ва ижрочилари, “Учинчи ренессанс” пойдеворининг бунёдкорларининг биринчи сафларида йўлбошчилик қилувчи, ўз жамоалари аъзоларини ғоявий шижоатлантириб, уларни янги давр бунёдкори мақомига мутаноссиб бўлишга ундай олувчи, ўзини ортидан ўз жамоасини эргаштира олувчи давлат фуқаролик хизматчисининг ижтимоий портретини улардаги мавжуд билим, малака ва кўникмаларидан ташқари қуйидаги компетенциялар соҳиби хам бўлиши лозимлигига ишорат беради:

- **Аввалам бор**, ўзининг дунёқараши ва тафаккури чегараларини трансформация қилишни, яъни ўзи фаолият олиб бораётган соҳа-тармоқнинг **“Ренессанс” хусусиятига мутаноссиб келажакини аввалам бор ўзи тасаввур қила олиши** ва унга элтувчи аниқ мақсадларни шакллантира олиши;

- **Иккинчидан**, атрофидаги мустабид даврида шаклланиб, одат даражасига айланиб кетган маънан эскирган қарашларни, ёндашувларни, хўжасизлик ва ташаббуссизлик сингари **эскилик сарқитларини жамоадошлари шўуридан ювиб ташлаш** орқали ғафлат уйқусидан уйғота олиши;

- Самарасиз бошқарув усуллари ва механизмаларини ўрнини босиб, улардан ўн чандон кўпроқ натижа берадиган инновацион ечимларга оид билимларни эгаллашга, ўзлаштиришга, янгиларини яратишга қодир бўлган **илмий-иждодий иродага эга бўлиши**;

- **шижоат ва ташаббуслар манбаасига айланиши**ни, янгиликларни жорий этишда дуч келадиган **психологик босимларга бардош бера оладиган иммунитетга эга бўлиши**;

- фаолиятдан манфаатдор тарафлар билан ҳамкорлик қилишнинг замонавий талабларига мослашиши;
- Ўзи фаолият олиб бораётган соҳа ва тармоқ бўйича дунё рейтингларида пешқадамларининг тажрибасини ўзлаштириш орқали уларга тенглашишнинг қисқа муддатли, тегишли соҳаларда инновацион ечимли янги ишланмаларни биринчилардан бўлиб яратиш ва жорий этишни орқали пешқадамлар сафига ўтиб олишнинг ўрта муддатли **стратегик режаларини ишлаб чиқа олиш** малака ва кўникмасига эга бўлиши;
- Популистик чиқишлар билан чекланиб қолмасдан, ўзининг соҳа ва тармоғидаги стратегик режаларни амалга оширишнинг таркибий лойиҳа ва дастурлари портфелларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни **лойиҳавий бошқарувнинг халқаро стандартлар асосида бажара олиш** малакасига эга бўлиши лозим.

Қоидага кўра, барча касблар учун малака талаблари “ўлчанадиган”, яъни муайян баҳолаш меъзонлари, идикатор ва субиндикаторларига эга бўлиш билан бирга, баҳолаш ва ўлчаш инструментларига ҳам эга бўлиши шарт.

Масаланинг мураккаб жихати ҳам шундаки, аксарият моддий бирликларни ўлчаш меъзон ва инструмантлари яратилган ва улар мавжуд. Аммо, биз юқорида қайд этган замонавий ва янги давлат фуқаролик хизматчиларининг малака талаблари, баҳолаш меъзонлари шахснинг номоддий хусусиятларини акс эттиради ва уларни ўлчаш усуллари ва инструментлари ёки мукамал эмас, ёки умуман хали мавжуд эмас. Давлат фуқаролик хизматчисининг малака талабларидаги бу хусусиятлар унинг фаолияти давомидагина намоён бўлади.

Масаланинг иккинчи мураккаблик жихати ҳам борки, у ҳам бўлса, турли даражадаги давлат фуқаролик хизматчилари юklamаларининг кескин фарқ қилиши ва улар учун тўланаётган иш ҳаққини тескари пропорционаллигидир. Яъни, марказий ва ҳудудий даражадаги давлат фуқаролик хизматчиларининг

ўлчанадиган хизмат вазифалари юкламаси паст бўлган ҳолда уларга давлат бюджетидан сарфланадиган харажатлар юқорилигича қолмоқда.

Аммо, маҳаллий даражадаги давлат фуқаролик хизматчиларининг ўлчанадиган хизмат вазифалари ва мажбуриятлари юкламаси муттасил ошиб бораётган бўлсада уларнинг ойлик маоши пастлигича сақланиб қолмоқда. Бу номутаноссиблик эса қуйи бўғиндаги бошқарув кадрлари томонидан ўзларининг хизмат лавозимларини суистемол қилиш, шахсий манфаатларини давлат фуқаролик хизмати мажбуриятларидан устун қўйиш, ҳудудлар учун яратилган имтиёзлардан аввалам бор ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш, манфаатлар тўқнашуви, инсон омили аралашуви, коррупцион муҳит илдиз ортиши сингари салбий оқибатларни юзага келтирди.

Бу борада яна бир масала борки у ҳам бўлса илмий ҳамжамиятда ва амалиётда “давлат бошқаруви” га оид масалаларда аксарият ҳолатда ижро ҳокимияти фаолияти тушунилади. Ривожланган мамлакатларда давлат фуқаролик хизмати давлат ҳокимиятининг уччала тармоғини бир хил қамраб олади. Хусусан, “Германияда худди бошқа бир қатор мамлакатларда бўлганидек давлат хизмати ўзбекчага сўзма сўз таржима қилинса “ижтимоий Германия” ёки “оммавий” хизмат деб аталади. Бу тушунча давлат муассасаларидаги барча ходимларни қамраб олади. Бунга фақат бошқарув органлари ходимлари эмас, балки ўқитувчилар, мактабгача муассасалар ходимлари, давлат университетларининг профессорлари ва ўқитувчилари, судьялар, вазирлар, Федерал банк дирекцияси аъзолари, шунингдек, полициячилар, ҳарбий хизматчилар, темир йўллар, почта муассасалари хизматчилари ва бошқалар ҳам киради.”¹¹

¹¹ 3. Ҳожиёв Э.Т., Исмаилова Г.С., Раҳимова М.А. Давлат хизмати: ўқув қўлланма. Тошкент: Baktiya press, 2015. 96-бет

“Францияда оммавий юридик шахс сифатидаги давлатнинг барча хизматчилари давлатнинг ҳам пойтахтда, ҳам ундан ташқаридаги қонунчилик, ижроия, суд органларида ишловчи хизматчилари давлат хизматчиларидир.”¹²

“Япониядаги давлат хизмати давлат фаолиятининг маъмурий, дипломатик ва суд соҳаларини қамраб олади. Бу ерда давлат хизматчилари туркумига нафақат ушбу сўзнинг асл маъносидаги амалдорларни, шунингдек давлатга тегишли корхоналарда ишловчиларни, давлат темир йўли хизматчиларини, телевидения, давлат мактаблари ходимларини, “ўзини-ўзи мудофаа қилиш кучлари” ҳарбий хизматчиларини, полиция ходимларини киритиш қабул қилинган.”

Аслида, давлат бошқарув тизимини ривожлантириш, жумладан давлат фуқаролик хизматини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар фақат ижро органи таркибий тузилмалари билан чегаралиниб қолмай, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти органлари фаолиятини ҳам тўлиқ қамраб олиш жоиз. Улар учун ҳам “Учинчи ренессанс” ҳамда “Янги Ўзбекистон” ғояларидан келиб чиқувчи мақсадларга мутаносиб касбий малака талаблари ишлаб чиқилиши жоиз.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки нафақат давлат фуқаролик хизматчилари балки ҳар қандай ишчи хизматчининг функционал юкламаси унинг жисмоний ва интеллектуал қувватидан юқори бўлса, уларда ташаббуссизлик, итоаткорлик, лоқайдлик, бефарқлик унсурлари шаклланиб, фақат ва фақат шахсий манфаатгина уларни ҳаракатга келтирувчи ягона омил манбааси бўлиб қолади. Буларнинг таъсиридаги вужудга келадиган коррупцион муҳит, давлат фуқаролик хизмати доирасидаги фаолиятининг самарасизлиги сингари ҳолатлар “шижоат билан ишлаётгандек кўрсатиш”, яъни “ҳаракатчанлик” ва PR қилиш орқали ниқобланади. Шу билан объект ўз мақоми, мавқеи, лавозим ва ойлик маошини, энг асосийси, ноқонуний даромад манбаини сақлаб қолиш малакасига ўрганади, бу борада тажриба жамлайди,

¹² Ҳожиёв Э.Т., Исмаилова Г.С., Раҳимова М.А. Давлат хизмати: ўқув қўлланма. Тошкент: Baktriya press, 2015. 103-бет

кўникади, одатга айлантиради. Энг ёмони бу одатлар вирус сингари тарқалади, оммалашади ва давлат фуқаролик хизматчилари орасида оммавий маданиятга айланади.

Давлат фуқаролик хизматчиларида мана шундай салбий ҳолатлар содир бўлмаслиги учун уларни етарли билим, малака, кўникма, тажриба, ҳуқуқ ва бошқарув инструментлари билан таъминлаш билан бирга улар фаолиятининг самарадорлигини ўлчаш меъзон ва механизмлари орқали баҳолаш натижалари асосида мутанносиб рағбат ёки жазолаш чораларининг тартиботларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Фойдаланилган манбаалар:

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2023. -416 бет.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон / Ш.Мирзиёев. –Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2024. -512 бет.
3. Ҳожиёв Э.Т., Исмаилова Г.С., Раҳимова М.А. Давлат хизмати: ўқув қўлланма. Тошкент: Baktriya press, 2015.
4. Амиртемурхон Мусаев. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари. Инсон капитали — тараққиётни белгиловчи ресурс. "Янги Ўзбекистон" газетаси, 123-сон. 22.06.2024 й.
5. <https://lex.uz/docs/6145972>
6. <https://argos.uz/uz/press-center/topic/61>
7. <https://yuz.uz/uz/newspaper?page=14>